

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

«КАТТА ФАРГОНА МАГИСТРАЛ КАНАЛИ  
БОШҚАРМАСИ»

А.Годжалиев

«04» апрель 2022й



**Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун**

## **ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Фаргона -2022**

**Танлов хужжатларининг мазмуни:**

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

# ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Марказий Фаргона худудларида сув танқислиги шароитида коллектор-дренаж сувларидан безарар фойдаланишни ташкил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш

1.2. Танлов қиймати 90 000 000 (Тўқсон миллион) сўм . Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4. Ишларни бажариш ва махсулотларни етказиб бериш муддати шартнома имзоланиб, олдиндан тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 60 (олтмиш) иш куни.

1.5 Ишларни бошлаш муддати– аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. **КАТТА ФАРГОНА МАГИСТРАЛ КАНАЛИ БОШКАРМАСИ** (бундан кейин- “Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили:, Фаргона шаҳар Ал Фарғоний кўчаси 53 уй

Эл.адрес: kfmkb@minwater.uz

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов **КАТТА ФАРГОНА МАГИСТРАЛ КАНАЛИ БОШКАРМАСИ** “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар, олий ўқув юртлири ва илмий институтлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади: танлов предмети қийматининг камида 30 фоизи миқдоридagi айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ва молиявий ресурслари мавжудлиги; шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар; танлов шартига ўхшаш ишларни бажарганлиги тўғрисидаги тажрибасининг мавжудлиги; илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар; танлов шартига кўра мўлжалланаётган ҳажми (100 фоиздан кам бўлмаган ҳолда); Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади. Товар ва махсулотлар учун сифат-сертификат талаб қилинади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

## 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz ) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

• Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки хар бир варагини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.4. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

• Техник ҳужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспорлар ёки ўхшаш ҳужжатлар руйхати илова қилинади);

4.5. Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 6. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга, йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади